

Адолат тамойилининг алломалар томонидан таҳлил этилиши

ЖДПИ Ижтимоий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси
Миркомилова З.М.

Инсоният ҳамиша адолат деб аталмиш кадрият учун интилиб яшаган. Аслида адолатга эришиш инсониятнинг табиий эҳтиёжлари сирасига киради. Адолат категорияси жуда кўп олимларни қизиқтирган ва шунинг учун деярли барча даврларда тадқиқот марказида бўлган. Алломаларнинг адолат категорияси ҳақидаги мулоҳазаларини ўрганишдан олдин бу категориянинг генезисига бир назар ташлайлик.

Адолат категорияси бир-бирига зид бўлган икки хил маънода қўлланилиши мумкин. Биринчидан бу категория кундалик муомалада “Нимага лойиқ бўлсангиз, шуни оласиз”, ижтимоий–фалсафий адабиётларда эса ижтимоий муносабатларнинг мазмунини ёритувчи мезон сифатида ишлатилади. Дастлаб бу мулоҳазага инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни мисол келтириш мумкин. Яъни инсон табиатга қандай муносабатда бўлса, табиатнинг инсониятга шунга мос тарздаги жавоби асли адолатдир. Таснифнинг иккинчи қисми анчагина баҳс-мунозараларни келтириб чиқаради. Аммо жуда кўп ҳоҳ шарқ бўлсин, ҳоҳ ғарб вакили бўлсин айнан бу тушунчани ижтимоий-фалсафий-сиёсий таҳлил этганлар. Адолатни ижтимоий муносабатларга нисбатан ўқлаганлар. Жумладан;

Антик даврда қадимги Юнон адиби Ҳомер миллоддан аввалги VIII асрда “Илиада” ва “Одиссея” дostonларида дике (dike)¹ – ҳақиқат ва адолат тушунчаларини ишлатган. Бунда адолат барча ижтимоий муносабатларнинг мезони сифатида тасвирланган. Бошқа бир Юнонистонлик аллома Гесиод (миллоддан аввалги VII аср) адолат тушунчасини ўзининг “Терония” ва “Меҳнатлар ва кунлар” дostonларида қуйидагича тасвирлаган: “Адолат” (dike) ва Эзгу қонунчилик (evnomiia) Олимпия олий худо Зевс ва одилсудлов худоси Фемиданинг қизлари бўлган икки опа-сингил

¹ В.С.Нерсисянц.,(А.Саидов таржимаси) Ҳуқуқ фалсафаси.,Тошкент.: 2003 й., 26 б.

маъбудлардир. Юқорида Ҳомер ва Гесиод назарида адолат зўровонликка қарши қўйилган куч сифатида талқин этилган.

Адолат ўлчов мезони сифатида тавсифланган ва образли қилиб уни тарозининг ўта тез ўзгарувчан “тил” ига қийслаш мумкин. Адолатнинг ўрнатилиши ўз-ўзидан тенглик ва эркинлик тамойилларини ҳам қарор топишига олиб келган. Демак бу тамойиллар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Бу Флоробийнинг “Фозил одамлар шахри”, А.Жомий рубоийларида, Т.Морнинг “Утопия”, Т.Кампанелланинг “Қуёш шахри” Жон Ролзнинг “Адолат назарияси” ва бошқа кўплаб асарларда айнан адолатли жамият негизи сифатида талқин этилган. Ушбу манбаларда адолат жамиятда ижтимоий муносабатлардаги ўзаро бажарилиши керак бўлган бурчлар ва моддий-маънавий фазилатлар асоси дея эътироф этилади.

Адолат тамойилини Арасту асарларида жуда кенг тарзда таҳлил этилганлигини биламиз. Арасту² адолатни – биргина инсонга эмас, балки, барчани қамраб олувчи фазилат сифатида талқин этган. Адолат категориясини буюк Хитой мутафаккири Конфуций, Юнон олимлари Суқрот, Афлотун, Цицерон ва бошқа жуда чуқур ўрганганлар. Конфуцийнинг³ назарида “Ўзингга раво кўрмагани ўзгага ҳам раво кўрма” муносабатларнинг адолатли бўлишини асосидир. Демокрит⁴ ўзининг “Буюк диакосмос” ва “Кичик диакосмос” асарларида “Адолат – бу бурчни бажаришдир”, - деб изоҳлайди. Суқрот⁵: “...қонунийлик – бу адолатлиликдир”, - дея шарҳлайди.

² Аристотель. Соч.: В 4 т. Т.4. С. 147.

³ Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф. –Т.: Янги аср авлоди, 2013.- 35 б.

⁴ Б.Тўйчиев Ҳуқуқ фалсафаси”.-Т.: ЎзМУ матбааси,2004.-50 б.

⁵ В.С.Нерсисянц Сократ.-М.: 1996. С. 18.